



## PROHIBITED CIRCUMSTANCES AND EFFICIENCY IN THE PROOF PROCESS

Yangiyev G'ayrat Avezxonovich<sup>1</sup>

<sup>1</sup> independent researcher at TSU

e-mail: gyangiev@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898027>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> May 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> May 2021

Online: 30<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

inadmissibility of evidence, convention, torture, intimidation, promise, suspect, institution of proof, evaluation of evidence

### ABSTRACT

*In the process of proof, the expansion of prohibited situations, the further improvement of the process of evaluating evidence serves the interests of the individual and increases the confidence of citizens in the bodies of preliminary investigation. The fact that the testimony was taken under torture, with the use of violence, deception and other illegal means is the basis for declaring the evidence inadmissible.*

## ИСБОТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ТАҚИҚЛАНАДИГАН ҲОЛАТЛАР ВА ДАЛИЛЛАР НОМАҚБУЛЛИГИ

Янгиев Ғайрат Аvezхонович<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ТДЮУ мустақил изланувчиси

e-mail: gyangiev@mail.ru

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

далилларнинг номақбуллиги, конвенция, қийноқ, кўрқитиш, ваъда қилиш, гумон қилинувчи, исбот қилиш институти, далилларга баҳо бериш.

### ANNOTATSIYA

*Исбот қилиш жараёнида тақиқланадиган ҳолатларнинг кўламини кенгайтириш, далилларга баҳо бериш жараёни янада такомиллашуви шахс манфаатига хизмат қилади ва фуқароларнинг дастлабки тергов органларига ишончи янана ошади. Кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олинishi далилларнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа

дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади»[1, 3-бет], дейилади. Шу жихатдан кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа



шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши далилларнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

Инсоннинг шахсий ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, номи – буларнинг ҳаммаси шахснинг қайси ижтимоий мақомга эгалигидан қатъи назар (жабрланувчи ёки айбланувчи) ҳимоя қилиниши шарт.

ЖК 235-моддаси ва 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция»нинг [2, 3-бет]

1-моддасига кўра, қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо деганда, мансабдор шахс ёки бошқа расмий шахс томонидан ёхуд расмий ёки бошқа шахс далолатчилиги ёки хабардорлиги ёхуд индамасдан берган розилиги билан бошқа шахс томонидан содир этилган ҳаракат тушунилиб, унинг натижасида қасддан шахсга қуйидаги мақсадларда кучли оғриқ, жисмоний, руҳий ёки психологик азоб етказилади:

- ундан ёки учинчи шахсдан ахборот ёки у содир этган ёхуд содир этилишида у гумон қилинаётган ҳаракат бўйича иқрорлик олиш;

- уни ёки учинчи шахсни кўрқитиш ёки у ёки бу ҳаракатни содир этишга мажбурлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармонида дастлабки терговда ва суд жараёнида шахс ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш энг устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масалаларига эътибор қаратилган. [3, 2-бет]

Исбот қилиш институтида тақиқланадиган ҳолатларнинг кўламини кенгайтириш, далилларга баҳо бериш жараёни янада такомиллашуви шахс манфаатига хизмат қилади ва фуқароларнинг дастлабки тергов органларига ишончи янада ошади. Қуйида салбий ҳолатларга қисқача таъриф берамиз.

**Кўрқитиш** – жиноят ишини юритишда масъул шахслар томонидан ноқонуний ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашни важ қилиш орқали кўрсатма олиш ёки далил тўплаш тушунилади.

**Азоблаш** – жиноят содир этган шахсни узоқ вақт давом этадиган ёки вақти вақти билан руҳий азоб бериш, жисмоний оғриқ етказиш, шахсни оч қўйиш, кўп муддатда қоронғу хонада сақлаш каби



ҳаракатлар орқали далиллар тўплаш тушунилади.

**Ваъда қилиш** – шахсни қамоқ эҳтиёт чорасидан озод қилиш, жиноят ишини тугатишни, ишни тезроқ ҳал этишни ваъда қилиш орқали далиллар тўплашга эришиш. Юқоридаги ҳолатлар қонунчиликда ўз аксини топса фойдадан холи бўлмайди.

Хориж тажрибасига кўра исбот қилиш жараёнида тақиқланадиган жуда кўп ҳолатлар тўғрисида нормалар мавжуд. Жумладан, Германия қонунчилигида азоблаш, номақбул процессуал-ҳуқуқий чораларни қўллаш орқали кўрkitиш тақиқланади( ЖПК §136а I 3), шунингдек, қонунда кўзда тутилмаган имтиёзларни ваъда қилиш ҳам ушбу давлат қонунчилигида ўз аксини топган.

Юқоридаги барча ҳолатларни эътиборга олиб, ЖПК нинг 88 – моддаси иккинчи қисмини “зўрлик, пўписа қилиш, алдаш, кўрkitиш, азоблаш, қонунда назарда тутилмаган имтиёзларни ваъда қилиш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш” тарзида тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисида муурожаат келиб тушган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд арз қилувчининг важларини хизмат текшируви ва суд-тиббий ёки бошқа экспертиза тайинлаш йўли билан текшириши шарт.

Амалиётнинг гувоҳлик беришича, дастлабки терговда айбланувчидан қонун талабларига хилоф равишда кўрсатувлар

олиш ҳоллари учраб туради. Айбланувчининг шикоятлари бўйича прокурор текширувлари натижа бермаган, судья томонидан бундай кўрсатувларнинг мақбуллигига баҳо берилмаган ҳолларда ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланмай қолади. Қуйида шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этиш усуллари ҳақида фикр юритамиз.

Амалиётда баъзан бир айблов бўйича кўрсатув беришдан бош тортган айбланувчи ўша айблов юзасидан қайта сўроқ қилинади ёки муқаддам гувоҳ сифатида сўроқ қилинган айбланувчининг кўрсатувларидан исботлаш жараёнида фойдаланилади. Муаллифнинг шахсий иш тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, камдан кам ҳолларда айблов томони келтирган далиллар рад этилади ва улар номақбул деб топилмайди.

Жумладан, Е.В.Ларина далиллар мақбуллигига баҳо беришда учрайдиган процессуал бузилишларни уч гуруҳга ажратишни таклиф этади:

- далилларнинг рад этилишига олиб келмайдиган аҳамиятсиз бузилишлар;

- баъзи ҳолларда далилларни рад этилишига сабаб бўлувчи шартли бузилишлар;

- бевосита далилларни рад этилишига сабаб бўлувчи аҳамиятли бузилишлар. [4, 148-бет]Шунга ўхшаш нуқтаи назар Е.А.Маркина томонидан ҳам тавсия этилган. [5, 72-бет]

Фикримизча, келтириб ўтилган процессуал бузилишларни баҳолаш мезонлари ҳақидаги мулоҳазалар катта амалий аҳамиятга эга, чунки улар жиноят-процессуал қонуни талабларини айрим бузилишлари орқали олинган далиллардан фойдаланиш имконини беради ва бу ерда



қонун бузилишининг характери етакчи ўринда туради.

ЖПК нинг 95 – моддасида далилларга баҳо бериш шартлари, тартиби мустаҳкамлаб қўйилган. Бизнинг фикримизча далилларга баҳо бериш масаласини янада такомиллаштириш юзасидан, мақбул эмас деб топилган далилларни жиноят иши юритувидан чиқариб ташлаш мақсадида, УЗР ЖПК нинг 95 – моддаси тўртинчи қисмини «Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92 — 94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Мақбул эмас деб топилган далиллар асосида қарор қабул қилиш ёки ҳукм чиқаришда фойдаланиш тақиқланади” тарзида тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, далилларнинг мақбуллиги деганда – тўпланган далилларни жиноят

судлов тизимида жиноят процессуал нормаларига мувофиқ фойдаланиш имконини берадиган ва оқибатда шахснинг айбли ёки айбсиз эканлигини исботлашда қўлланиладиган фактик маълумотларни жиноят-процессуал қонунда мустаҳкамланган олиш, тадқиқ этиш ва процессуал қайд этиш тартиби, қоидалари тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, далиллар мақбуллигининг аҳамияти шундаки, мақбулликни аниқлаш орқали ишончилигини аниқлаш мушкул бўлган далиллар жинойий судлов тизимидан чиқариб юборилади. Бу ҳолатда мақбуллик ўз процессуал моҳиятига кўра далил бўлмаган маълумотларни тизим ичига ўтказишга ҳалал берувчи ўзига хос тўсик вазифасини ўтайди.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Халқ сўзи газетаси 03/21/671/0093-сон. 09.02.2021 й.
2. «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шифқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция»1984 йил 10 декабр
3. “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 10 август ПФ – 6041 сон Президент фармони.
4. Ларина Е.В. Признание доказательств недопустимыми в российском уголовном судопроизводстве: Дисс.канд. юрид. наук. –М.: 2005. –Б.147-148
5. Маркина Е.А. Допустимость доказательств как гарантия правосудия и прав личности в современном уголовном процессе: Дисс.канд. юрид. наук. –М.: 2000. –Б.72